



(Бошланиши 1-саҳифада)

Давлатимиз раҳбарининг яқинда қабул қилинган қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО хузуридаги доимий ваколатхонаси таъсис этилди.

Таълим соҳасида ҳам истиқболли ҳамкорлик ўрнатилган. Ўзбекистон “Жаҳолатга қарши маърифат” ғояси асосида жисмоний ва маънавий баркамол шахсни тарбиялашга қаратилган сиёсатни амалга оширмоқда.

Давлатимиз раҳбари ўтган йил сентябрь ойида БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси ва Бош Ассамблеянинг “Маърифат ва диний бағрикенглик” номли махсус резолюциясини қабул қилиш ташаббусини илгари сурди.

ЮНЕСКО Бош директори Ўзбекистон Президентининг ушбу ташкилот шафелигида тинчлик ва бағрикенглик маданиятини шакллантириш, экстремизмнинг олдини олиш мақсадида Самарқанд шаҳрида Мирзо Улугбек номидаги халқаро институт ташкил этиш, Тошкент ахборот технологиялари университети хузурида Таълимда ахборот-коммуникация технологиялари бўйича минтақавий марказ ҳамда Самарқанд “Ипак йўли” туризм халқаро университетида ЮНЕСКО кафедрасини тузиш бўйича ташаббусларини қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистонда Марказий Осиё ёш олимлари минтақавий форумини ҳамда 2019 йилда Тошкентда “Ахборот технологиялари маданий ме-

# ЎЗБЕКИСТОН — ФРАНЦИЯ МУНОСАБАТЛАРИДА ЯНГИ ДАВР БОШЛАНМОҚДА

росни асраш хизматида” мавзuida Осиё форумини ўтказиш борасида келишувга эришилди.

Бош директор Одри Азуле Ўзбекистоннинг бутун инсоният бойлиги бўлган маданий-тарихий меросни асраб-авайлаш борасидаги сиёсатини юксак баҳолади.

Учрашувда Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги 2018-2021 йилларга мўлжалланган қўшма Ҳаракатлар режаси қабул қилинди. Бу ҳужжат муносабатларини янги босқичга кўтариш, томонлар олдида турган вазифаларни биргаликда инновациялар орқали ҳал этиш ва барча йўналишларда ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган.

Президент Шавкат Мирзиёев ЮНЕСКОнинг фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдириди.

Шу кунги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Франция Республикаси Сенати Раисси Жерар Ларше билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари Сенат Раисини Франция Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 60 йиллиги билан табриқлади. Ушбу сана муносабати билан юртимизда ўзбек ва француз тилларида чоп этилган Франция Конституциясининг илк нусхасини совға қилди.

Мамлакатларимиз парламентлари ўртасидаги ҳамкорлик, айниқса, улардаги дўстлик гуруҳлари туфайли анча фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди.

Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги алоқалар парламентларо муносабатлар соҳасида ҳам жадал ривожланмоқда. 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида парламентларо ҳамкорлик гуруҳи тузилган, 2010 йилдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Ўзбекистон — Франция” дўстлик гуруҳи фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, 2008 йилда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва Франция инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси ўртасида ҳамкорлик битими имзоланган.

Франция билан кенг қўламли муносабатлар сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги икки томонлама амалий алоқаларни қамраб олган. Мамлакатларимиз ишбилармон доиралари ва ҳудудлари ўртасидаги мулоқотни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Парламентларо алоқаларни аниқ йўналишлар бўйича, жумладан, қўшма тадбирлар ва ўзаро таш-

рифларни мунтазам ташкил этиш, тажриба алмашиш орқали ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Бу мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасида турли соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Франция Сенати Раиси мамлакатимизда иқтисодий тубдан модернизация қилиш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохот ва янгиланишларни юксак баҳолади. Ўзбекистон яхши кўшничилик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва манфаатларни ҳисобга олиш тамойилларига асосланган конструктив минтақавий сиёсат олиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг Францияга илк расмий ташрифи узок муддатли истиқболга мўлжалланган амалий ҳамкорлик, жумладан, мамлакатларимиз парламентлари ўртасидаги алоқаларнинг янги йўналишларини белгилаб олишга хизмат қилиши қайд этилди.

Жерар Ларше Франция Сенати Ўзбекистон билан дўстлик ришталари, ҳар томонлама самарали шерикликни мустаҳкамлаш йўлида

парламентларо алоқаларни янада ривожлантириш ва уларга тизимли тус беришга тайёр эканини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Франция Сенати биносини кўздан кечирди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Франциянинг энг йirik компаниялари раҳбарлари билан учрашув ўтказди.

Унда “Тоталь”, “Тоталь Эрен”, “Орано”, “Фивс Штейн”, “Ранжис Семмарис”, “Винчи”, “Суэц”, “Сад”, “Идемия”, “Мерсие”, “Талес Алениция Спейс”, Европа тиклашиш ва тараккиёт банки, Франция тараккиёт агентлиги каби Европа ва жаҳон бозорида етакчи компаниялар ва молиявий тузилмалар раҳбарлари иштирок этди.

Учрашувда Ўзбекистонда хорижий инвесторлар учун кенг имкониятлар яратилаётгани, улар фаолиятини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш учун зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган, бизнесни ривожлантириш йўлидаги турли тўсиқларга барҳам берилгани, ташки савдо ва божхона-тариф назорати сезиларли даражада қисқартирилгани таъкидланди.

Шавкат Мирзиёев хорижий инвесторлар билан тўғридан-тўғри

мулоқот қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти хузурида Хорижий инвестициялар бўйича кенгаш тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган, унинг вазифаси инвесторлар фикрини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон инвестиция муҳитини изчил яхшилаб бориш бўйича тақлифлар ишлаб чиқишдан иборат эканини таъкидлаб, франциялик сармоядорларни Кенгаш ишида фаол иштирок этишга тақлиф қилди.

Франциялик тадбиркорлар Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни юқори баҳолаб, валюта тизимининг либераллаштирилгани, виза олиш тартиби соддалаштирилгани ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш учун қулай имкониятлар яратганини таъкидлади. Бундай қулайлик ва енгилликлар Ўзбекистон иқтисодиётига қизиқишни кучайтирди. Давлатимиз раҳбари ташрифи арафасида умумий қиймати 5 миллиард еврога яқин инвестиция лойиҳалари бўйича келишувлар имзолангани бундан далolat беради.

Ўзбекистон ва Франция молиявий ташкилотлари, фирма ва компаниялари ўртасидаги шерикликни янада ривожлантириш, ўзаро товар этказиш ва хизмат кўрсатиш ҳам-минни ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Франция Республикасига расмий ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА

## ҲАЯЖОНЛИ ПОЙГА



Лойиха Президентимизнинг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самардорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармонидан келиб чиқиб, Мудофаа вазирлиги, “Ватанпарвар” ташкилоти, Тошкент шаҳри ва вилояти ҳокимликлари ҳамда Ёшлар иттифоқининг ҳудудий кенгашлари ҳамкорлигида амалга оширилди. Унда экстремал спорт турлари ихлосмандлари кат-

нашди. Россия, Корея Республикаси, Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон, Туркманистон, Тоjikистон ҳамда Қирғизистондан ҳам ҳаваскорлар тақлиф қилинган.

Дастлаб автомашина, мотоцикл, велосипедлар намоийиши ташкил қилиниб, сўнгра иштирокчилар авто-мото пойга бахсларига киришди. Учта ғолиб аниқланиб, ҳар бирига 10 миллион сўмдан пул мукофотлари топширилди.

Мухбиримиз

## ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЙОТИ

### Ўзгаришлар катта

Нозима МИЯССАРОВА

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий таълимдаги ислохотларга доир матбуот анжуманини ўтказди.

Таъкидланганидек, илгари бакалаврият ва магистратура босқичларидаги мутахассисликка оид бўлмаган фанлар кўп ўқитилиши оқибатида талабалар ўз соҳасини пишиқ-пухта эгаллай олмаётганди. Энди масала ўз ечимини топмоқда. Хусусан, ўқув режаларидаги ижтимоий-иқтисодий фанлар блоки сезиларли равишда ихчамлаштирилиб, мутахассислик фанлари учун ажратилган дарс соатлари салмоғи 85 фоизгача етказилди. Тиббиёт олийгоҳларидаги ўқитиш муддати ҳам бир йилга қисқартирилган.

Бундан ташқари, бакалаврият талабаларини ўқитишга давлат гранти асосида мақсадли қабул қилиш амалиёти ҳам жорий қилинган. Квоталар Қорақалпоғистон Респуб-

ликаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари бюрократларига мувофиқ, юқори малакали тиббиёт кадрларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб белгиланмоқда. Масалан, жорий ўқув йили учун 1 минг 548 та ўрин ажратилган.

Тиббий таълим тизимида халқаро ҳамкорлик самарали йўлга қўйилгани ҳам алоҳида эътиборга молик жиҳатдир. Шу кунгача йигирмадан ортик хорижий олий таълим муассасаси билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилган. Қолаверса, айни вақтда Корея Республикасининг тиббиёт университетларида 40 нафар талабамиз таҳсил олмоқда. Бу каби сазъ-харакатлар соҳани малакали кадрлар билан таъминлашга хизмат қилишига шубҳа йўқ.

## TARG'IBOT

Элдор НАВРЎЗОВ

### НАМУНАЛИ ОИЛАЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ



Ёшлар иттифоқининг Жиззах вилояти кенгаши ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Бахмал туманидаги харбий қисмада оилавий ажримларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот тадбирини ўтказди. Унда Иттифок мутасаддилари, Хотин-кизлар қўмитаси ҳудудий бўлими мутахассислари, санъаткорлар ҳамда амалиётчи психологлар катнашди.

Ўзаро фикр алмашиш жараёнида ёш оилаларнинг барбод бўлишига олиб келаётган сабаблар таҳлил қилинди, ҳаётини мисоллар асосида аниқ ечимлар айтилди.

— Тадбир баҳонасида харбийларимиз оиласидаги маънавий муҳитни ўргандик, яшаш шароитлари билан

танишидик, — дейди Ёшлар иттифоқи ҳудудий кенгашининг ёш оилалар билан ишлаш бўлими бош мутахассиси Ойдина Эгамқулова. — Янги қурилган оилалар орасида ибратта арзирлилари кўп экани бизни беҳад қувонтирди.

Тадбир якунида намунали оилалар вақиларига эсдалик совғалар топширилди.

## ЎЗБЕКИСТОН – ФРАНЦИЯ: АСРИЙ ҲАМКОРЛИК ИЗИДАН

(Бошланиши 1-саҳифада)

Илмий ҳамкорлик ҳақида сўз борганда, ўтган йилги пойтахтимизда ташкил этилган “Илмий мунозара: муаммо, ечим ва ютуқ” мавзусидаги халқаро анжуман ва унинг самараларини ёдга олиш мақсадга мувофиқ. Ушбу анжуман ўзбек таржимашунослик мактаби асосчиси, адабиётшунос олим Ғайбулла ас-Салом таваллудининг 85 йиллиги муносабати билан ўтказилди. Унда иштирокчилар мамлакатимизда таржима соҳасини янада ривожлантириш, тил ўрганишининг осон ва инновацион усулларидан фойдаланиш, маданий алоқаларни яхшилаш борасида фикр алмашишди.

Дўстлик жамияти Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда икки мамлакат миллий байрамларини ўтказиш, урф-одат ва анъаналарини кенг тарғиб қилиш бўйича ҳам самарали иш олиб бормоқда. Жумладан, ҳар йили 14 июлда Франция миллий байрами – Бастилия қалъаси ишғол қилинган кун муносабати билан Тошкентда тантанали маросим ва бадий кечалар ташкил этилади.

Дунё миқёсида юртимизнинг бой маданияти, ранг-баранг урф-одатлари, миллий ҳунармандлигига қизиқиш катта. Шунинг инобатга олган ҳолда, Францияда “Ўзбекистон маданияти” кунларини ўтказиш, юртимизнинг сайёҳлик брендини тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маданий тадбир доирасида Францияда мамлакатимиз ҳунармандлари, тасвирий санъат намояндалари ва ҳайкалтарошлари ижодий ишлари намоийиш этиб келинмоқда.

Ҳар йили август ойи жамиятимиз учун ўзгача тантана – бадий-адабий яқинлик руҳидаги тадбирларга бой бўлади. Ватанимизнинг Мустақиллик байрами арафасида Ўзбекистон ва Франциянинг илмий доиралари вакиллари, шоир ва ёзувчилар иштирокида бадий кечалар уюштирилади. Тантаналарда француз ва ўзбекона миллий куй-қўшиқлар янграйди.

Жамиятимиз пойтахтимизда фаолият юритаётган “Тошкент Француз альянси” билан ҳамкорликда ҳар ойда бир марта “Француз адиллари асарлари билимдони” танловини ўтказиб келади. Шу орқали маданий-адабий ҳамкорликни давом эттириш ва француз бадий адабиётининг ноҳир намуналарини ўзбек тилига таржима қилиш учун қулай ижодий муҳит яратилади.

“Ўзбекистон – Франция” дўстлик жамиятининг фаол аъзолари Тур шаҳрида анъанавий тарзда ўтказилган “Тил ва маданият” фестивалида мунтазам катнашади. Бу мамлакатларимиз дўстлик алоқалари янада мустаҳкамланиши ва халқ дипломатияси ривожига муҳим ўрин тутди.

Мухтасар айтганда, Соҳибқирон Амир Темирнинг Франция давлати билан бошлаб берган дўстлик алоқалари бугун икки мамлакат раҳбарлари ташаббуси билан юксак макомда давом этмоқда. “Ўзбекистон – Франция” дўстлик жамияти ана шу эзгу мақсад йўлидаги хайрли ҳамкорликни мустаҳкамлаш, уни амалий мазмун билан боғиштиришга хизмат қилмоқда.

ЎЗА мухбири

Дилораб МАМАТОВА ёзиб олди.

## BUGUNING GAPI



Ўлкамиз бўйлаб куз ўз зийнатини сочмоқда. Энди бу ёғи қишга тарадуд. Ҳозир озиқ-овқат маҳсулотларини ғамлаб қўйишнинг айни мавриди. Далаларда эса, иш қайнади. Ахир, деҳқонларимиз экиндан бўшаган далаларни шудгор қилишга ҳам улгуришни керак.

Ишга эрта боришга одатланганман. Нима жон уриб, бугун кеч уйғондим. Апил-тапил қийиндим-у, дарров мактабга ошқимдим. Уйимиз яқиндан қичкина ариқча ўтган. Тахминан бир ой олдин тўлиб-тошиб оқарди. Негадир ҳозир бир томчи ҳам суви йўқ. Хаёлимда бутунги мавзунни тақорлаб келар эканман, ариқча тутаётган бир уюм хазонини кўриб бирдан фикрим бўлинди. Атрофга чидаб бўлмас даражада буруқсиқ хид тарқалган. Икки қадам наридаги жойини кўриш амримаҳол. Шошиланганим бир томон, бу бадбўй ва хунук манзара бир томон бўлиб, тўғриси, эсанқираб қолдим. Устига-устак, йўталгим тугди. Ҳарқалай, шу ердан ўтган ҳар қайси кишининг томоғи қи-

рилиб, бурни ачишиши турган гап. Хуллас, аросатда қолдим. Кетай десам, она-табиатимизга жоним ачйиди – хазон яқин бир неча соат ичида ёниб бўладиганга ўхшамайди.

Наилож, йўлимдан қолмасликка мажбур бўлдим. Ахир, мени ўқувчилар кутмоқда! Хайрият, дарс бошланганига ҳали ўн дақиқа бор эди. Ҳамкасбарим мени кўриши билан донг қотди. Орасидан биттаси: “Бу дейман, эрталабдан ўчоқ бошидамингиз ёки тандирга ўт қаладингизми?” — дея пичинг қилди. Гап нимадалигини англадим. Қийинларимни ҳидлаб қўрдим — ёнган хазоннинг иси сингиб кетибди. Хунобим ошди. “Эх, қошқийди, ўчоқ ё тандир бошида турган бўл-

сам. Уст-бошимдан таралаётган бадбўй хид анави ариқчада тутаётган бир уюм хазондан “эсдалиқ”, — дедим аччиқланиб. “Кимнинг иши эканини билмадингизми?” — қизиқиб сўради боғчи ҳамкасбим. Елкамни қисдим.

Шу орада кўнгирок чалғиниб, ҳамма дарсга кириб кетди. Тушлиқда ҳамкасблар билан яна жамландик. Эрталабки мавзу давом этди. Уч-тўрт киши катта танаффусдан фойдаланиб, ариқ лабидати вазиятини билишга қарор қилди. Бироз йўл юрилган, тугун хиди анқий бошлади. Қоп-қора булутлар самога кўтариларди. Минг хавотир билан қадимимизни тезлаштириб, охири, манзилга етиб келдик. Қарасак, эрталабдан буён тутаётган чикинди аралаш хазон уюми баттар алангаламоқда. Атрофдагилар эса, ҳеч нимани кўрмаётгандек бепарво ўтиб кетяпти. Бу ҳам етмагандек, бир неча болакай турли егуликлардан бўшаган қозғоларни ҳам ариққа улоқтирибди-қўйибди. Шунча нарсани улоқиб етмасин деб, устига туғтурт ҳам чаккан. Ана ундан кейинги томошадан энди хабарингиз бор.

Алқисса, табиятдан қандай зиён кўраётган бўлсак, бунга, аввало, ўзимиз айбдор. Ҳар ким қилмишига ярашсини олади. Айтар сўзимиз эса, битта: хазон ёқманг, яхшилар!

Шоҳрух ИБОДУЛЛАЕВ

## YUKSALISH

# ЯНГИ УНИВЕРСИТЕТНИНГ ЁРҚИН ҲАЁТИ

Нозима МУРОДОВА,  
Ўзбекистон Журналистика ва оммавий  
коммуникациялар университети доценти

Сўнгги йилларда юртимизда барча соҳаларга қаратилаётган эътибор оммавий ахборот воситаларини ҳам четлаб ўтмади. Миллий журналистикамиз ривож учун муҳим воқеалардан бири, шубҳасиз, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг ташкил этилиши бўлди. Мазкур университет журналистларга билдирилган ишонч ифодаси ва қўйилган натижалар гарови сифатида иш бошлади.



Қисқа муддатда оммалашиб “янги университет” деган ном билан тилга тушган ЎзЖОКУ биринчи ўқув йилиданок бакалаврият босқичига саккизта, магистратурага тўққизта таълим йўналиши бўйича талабаларни қабул қилди.

Университет илк ўқув йилини ноанъанавий бошлади ва мамлакатимиз олий ўқув юрғлари орасида биринчи бўлиб ўзининг байроғи, мадҳияси, махсус логотипини яратди.

Университет байроғи ҳар ўқув йили бошланишида 1-босқич талабалари томонидан тантанали кўтарилди ва ўқув йили давомида кўкда хиллаб туради. Маҳдунга эса, муассаса ҳаётидаги муҳим тадбирлар ва спорт мусобақаларида ижро этилади. Айтиш керак, янги таълим маскани ўзига хос кадрлар билан қисқа фурсатда кўпчиликнинг эътиборини тортди.

Ҳар бир ходим, ўқитувчи, талаба, аввало, университетнинг шаъни ва кадрларини асраши лозим. Дарс жараёнида, мунозара ёки баҳсларда

## ДАРС ЖАРАЁНИДА, МУНОЗАРА ЁКИ БАҲСЛАРДА ЎЗARO ҲУРМАТ КЎРСАТИШ, ФИКРЛАР ХИЛМА-ХИЛЛИГИНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИНИНГ “ОЛТИН ҚОИДАСИ” ДИР.

бир-бирига ҳурмат кўрсатиш, фикрлар хилма-хиллигини сақлаб қолиш ҳам биз учун “олтин қоида” дир.

Таълим муассасаси муҳитининг яна бир ўзига хослиги — креативлик. Ҳар бир ишга ижодий ёндашиб, янги фикрларни амалиётга татбиқ этишга, ноодатий ечимлар топишга ҳаракат қиламиз.

Шунингдек, ҳар қайси ходим ва талабадан ташаббускорлик ва интерфаолик, локайдлик ва қуруқ танқиддан воз кечиш, аниқ тақлиф билан чиқиши такозо этилади.

Университет ҳаётида ҳар ким ўз мавқеидан келиб чиқиб, муайян масъулиятни зиммасига олади. Масалан, сўз масъулияти. Бўлажак журналистлардан саводли ёзиш,

мунозара олиб бориш этикасига риоя этиш, жаргон сўزلарни ишлатмаслик талаб этилади. Касбий масъулиятни ҳис қилиши учун ногўғри ахборот ва ёлғон маълумотлар тарқатиш қатъий қораланади.

Навбатдагиси — академик масъулият. Илм олишда ва таълим беришда, адабиётлар билан ишлашда ва ўқув жараёнини ташкил этишда, таълимнинг ҳар бир босқичида талабалар кўшимча равишда мустақил изланиши, янги маълумот топишга интилиши лозим. Педагог йўналтирувчи вазифасининг ба-жариб, муваффақиятга эришиш талабнинг ўз меҳнати ва ҳаракатига боғлиқ экани муассасанинг яна бир ибратли ёндашуви, дейиш мумкин.

Дарсларни аксарият ҳолларда янги педагогик технологиядан фойдаланиб очик ҳавода ўтишни ҳам йўлга қўйганмиз. Университет ўқув режасига умумқасбий ва ихтисослик бўйича танлов фанлар киритилган. Бугунги талабалардан келиб чиққан ҳолда, улар тўлиқ амалий машғулотлардан иборат. Масалан, медиа тили, услуби, таҳрир фани якунида талабалар ўз медиа лойиҳасини ишлаб чиқади, юртимиздаги оммавий ахборот воситалари таҳлилин тақдим этади. Талабаларни оммавий тадбирларга жалб этиб, муваққил журналистик материал тайёрлашга ўргатиш муҳим.

Қисқа муддатда улар “Ёшлар” телеканалига интервью берди, икки нафари “Маҳалла” радиоси ва “Турон24” агентлиги мухбирлари билан ҳамкорликда дастлабки материалларини эълон қилди. Олтинга мобил репортаж тайёрлаб, турли сайтларда ўзбек, рус, инглиз тилларида эълон қилди.

Малака ошириш тизимида ҳам янгиликларимиз йўқ эмас. “DE Academic” ташкилоти билан ҳамкорликда беларусиялик мутахассислар ўзбекистонлик журналистлар, шу жумладан, ҳудудий нашрлар вакиллари учун медиаменеджмент йўналиши бўйича тўрт кунлик тренинг ўтказди. Машғулотлар давомида ОАВ таҳририятини бошқариш, медиабизнес юритиш, медиа бошқарувида этика масалалари, медиаменеджментда ички ва ташқи коммуникация, инсон капитали каби мавзулар ўрганилди.

ЎзЖОКУ шу кунга қадар қатор хорижий олий таълим муассасалари билан талабалар ва ўқитувчилар тажриба алмашинуви, стажировка ва илмий ҳамкорлик масалаларида келишув шартномаларини имзолашга улгурди. Улар қаторида М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети, Туркиянинг Анкара, шунингдек, Шанхайнинг Фудан университети қаторидаги Журналистика институтлари ҳам бор.

Охири бир ой давомида Жанубий Корея, Япония ва Германиянинг Ўзбекистондаги элчихоналари вакиллари билан учрашувлар ўтказилиб, ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

4-6 октябрь кунлари Ўзбекистон – Россия медиафоруми ва “ТЭФИ – Ҳамдўстлик” VIII халқаро телевизион фестивали доирасида россиялик медиа экспертлар ва профессор-ўқитувчилар университетта ташриф буюриб, муассаса ҳаёти билан таниди. Бу эса, янги таълим муассасаси кўпчиликнинг хайратини ва ҳавасига сазовор бўлаётганидан далолат беради.

## DOLZARB MAVZU

Шерзод ИСОҚУЛОВ, Орифжон ОДИЛОВ,  
журналистлар

Мақтаб ёшидаги бола организми мунтазам ривожланиб боргани боис унинг саломатлигига жиддий эътибор қаратиш лозим. Қоматни букиб ўтириб ўқиш ва ёзиш кўз пардасини толқитиради. Бора-бора мазкур ҳолат кўриш қобилиятининг пасайишига олиб келиши мумкин. Бу эса жиддий ижтимоий муаммолар учун замин ҳозирлайди. Ҳўш, нима қилмоқ керак? Ахир кўриш қобилияти паст экан, деб таълимни тўхтатиб бўлмайди-ку!

# МУАММО ЎТКИНЧИ ЭМАС

Яна бир гап. Таълим жараёнида ўқувчи беҳосдан жароҳат олиши эҳтимолдан холи эмас. Ҳўш, бундай вазиятда мактабда биринчи ёрдамни ким кўрсатади? Шу ва бошқа саволларга жавоб топиш мақсадида, Жомбой туманидаги 18-умумтаълим мактаби фаолиятини ўргандик. Диктатимизни тортган биринчи жихат муассасида шинам ва барча зарур жиҳозлар, дори-дармон билан таъминланган тиббиёт хонасининг мавжудлиги бўлди. Алоҳида парвариш ва тиббий хизматта муҳтож ўқувчиларнинг назоратта олиниши ҳам алоҳида эътиборга моликдир.

— Кунлар совиши билан бемор ўқувчиларнинг сони ортади, — дейди мактаб ҳамшираси Майсара Холжигитова. — Вазифамиз — дастлабки тиббий ёрдамни кўрсатиб,

борган. Ҳозир бу тартиб мактабга таълим тизимидагина амалда. Бизнингча, таълимнинг барча бўғинида соғлиқни сақлаш соҳаси билан узвий ҳамкорлик ўрнатилиши керак.

## АЛОҲИДА ШТАТ КЕРАК

Дарвоқе, Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликларининг ушбу масалада қўшма қарори қабул қилинган. Шу аснода тасдиқланган низоом ҳам бор. Унда икки томоннинг вазифалари аниқ белгилаб қўйилган.

Чунотчи, таълим муассасаси ўз имкониятидан келиб чиқиб, тиббиёт хонасини ташкил этиши, керакли жиҳозлар, тиббий асбоб-ускуна ва дори-дармонлар билан таъминлаши даркор. Туман марказий поликлиникаси эса, мактабга шифокор ва ўрта



боланинг ҳолатидан ота-онани хабардор этиш. Эпилептик хуружга чалинган ўқувчиларимиз ҳам бор, улар ҳаммиса биринчи ёрдамга муҳтож бўлади. Ҳаяжонланиш, жисмоний тарбия дарсининг айрим машқлари соғлиғига зиён етказиши мумкин. Шу боис уларни алоҳида рўйхатга олиб, кузатамиз. Шунингдек, йиғит-қизларнинг кийиниш, овқатланиш тартиби ҳам назаримиздан четда қолгани йўқ.

## ОҒРИҚ

Ҳамширанинг таълим муассасасидаги салкам минг нафар бола саломатлигидан тўлиқ хабардор экани бизни қувонтирди. Шунга қарамай, мактабда кўриш қобилияти паст ўқувчилар сони 40 нафарни ташкил этаётгани ачинарли.

Тиббий хизмат намунали ташкил этилган мактабда шу каби муаммолар учраётган экан, ҳамшираси йўқ таълим масканларида ўқувчиларнинг холи не кечаётган экан? Зотан, Жомбой тумани халқ таълими бўлими берган маълумотга кўра, туманда мавжуд 56 та умумтаълим мактабининг фақат бештасида тиббиёт ҳамшираси бор.

## ПСИХОЛОГ ҲАМШИРА ЭМАС!

— Тиббиёт ходими бўлмаган 51 мактабда бу вазифа психолог зиммасига юклатилган, — дейди бошқарманинг психолог-услубчиси Жаҳонгир Музаев. — Улар ўқувчиларнинг тиббий ҳужжатини юритиб, мавсумий кўришни ташкил этади, холос. Лекин навросталарга биринчи ёрдам кўрсатиш, тозаланиш таъминлаш уларнинг вазифасига кирмайди. Давлат санитария-эпидемиология назорати марказидаги мазкур қўшма қарор матнини таҳрир қилиш зарурати туғилган.

## КАЛАВАНИНГ УЧИ ҚАЕРДА?

Ҳўш, нега штат ажратилмаяпти? Ахир, низоомда нафақат ўрта тиббиёт ходими, балки алоҳида шифокор ажратиш белгиланган-ку. Биринчи ёрдамга зарур бўладиган йиғирма турдаги дори-дармон номи ҳам аниқ кўрсатилган. Негадир мутасаддилар бунга кўз юмиб келмоқда.

Яна бир гап. 2013 йилда тасдиқланган “Мактабга ва умумий ўрта таълим муассасаларининг тарбияланувчи ва ўқувчиларига бирламчи тиббий-санитария ва профилактика ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги низоомнинг айрим бандларини ўзгартириш вақти келди назаримизда. Мактабга таълим вазирлиги ташкил этилиши билан ўз-ўзидан қайтадан мазкур қўшма қарор матнини таҳрир қилиш зарурати туғилган.

Нима бўлганда ҳам, ҳукукий асос бор. Идораларо келишув имзоланган. Фақат амалда унинг ижроси имконсиз бўлиб қолмоқда. Чунки штат етишмайди. Молиячилар ҳозирча жим...

Тезроқ бирон чорасини кўриш керак. Ахс ҳолда, болаларни миопия, эпилептик хуруж каби хасталиклардан асраб қолиш кийинлашавари.

## SIZ NIMA DEYSIZ?

# ОСОН ПУЛ ТОПИШ ДАРДИДА

Муқаддас МУСАЕВА

Жаннат каби гўзал юртинг йиғлаб, сендан иш қутади.  
Сенда кўргач ишсизликни, ҳасрат чекиб, қон ютади.  
Тур ўрнингдан, оч кўзингни,  
Айт ёвнингга сўнг сўзингни.  
Ёвнинг кимдир, биласанми — нодонликдир, ялқовликдир,  
Ёвга қарши қурашмаслик — қўрқоқликдир, аңқовликдир.  
Иш қиличин, тур, қўлга ол!  
Ёвга қарши чиндан кўзгал!

Мунаварқори АБДУРАШИДХОНОВ

Ушбу мисралар салкам юз йиллар муқаддам битилган бўлса-да, хали-хануз долзарбдир. Нега меҳнат қилиб, изланишга ҳушимиз йўқ-у, аммо яхши еб-ичгимиз, чиройли кийингимиз келади? Кун сайин болалар кетаётган эҳтиёжларимизни қондириш учун эса, пул керак. Шунда ҳам осон йўлни излаймиз. Ҳамма бало мана шунда!

Шаҳарнинг қайси бурчагида бўлманг, тиланчилар қўл чўзади. Топиб олган гап битта: “Болам касал, дорига пул керак”. Қишин-ёзин кўчада судраб юргандан кейин тўрт мучаси соғ бола ҳам хасталаниб қолади-да! Бели оғримаслиги учун ўзини ҳам, фарзандини ҳам касалга солаётганларга иш тақлиф қилсанг, дарров кочади. Ўйлаб қоламан: наҳотки шунчалик боқиманда бўлиб қолган бўлсак?! Яхши яшашни ким ҳам истамайди дейсиз. Аммо танлаётган йўлимиз ҳар хил. Қунининг бир қисмида дўппи ёки кашта тикиб, қолган қисмида ситир соғиб, нон ёпаётган, шу орада фарзанд тарбиясига ҳам улгураётган оналар қанча. Эрталабдан-кечгача нолиб, бировнинг бир-икки сўмига қараб қолгандан кўра, ҳунар ўрганиб, ҳалол меҳнат билан ризқ топиш минг бор афзал, албатта.

“Чорсу” бозори ер ости йўлида

тиланчилик қилиб ўтирган бир аёлни суҳбатга тортидим.

— Нега пул топишининг айнан шу йўлини танлагансиз?

— Яна қандай йўллари бор? Мени ишга оламан, деб кимнинг кўзи учиб турибди? Ёки кўча супуриб юрайми? Шу ерда ўтираман, раҳм қилиб пул бериб кетадиганларнинг сони мингта. Жон қойитмайман, ортиқча ташвиш қилиб юрмайман. Ўзимга бўлмаса манави боламга ачиниш пул беришади, қарабсизки ҳар кунни ўша қийналиб ишлаётганлардан тузукроқ даромад топаман. Бунинг нимаси ёмон? Ўғрилиқ қилаётганим йўқ-ку...

Фойлангиз ҳам тегмайди, дедим ичимда. Озгина пул беришим эвазига бор гапни тўқиб-сочган аёлнинг фикрлари мени ўйлантириб қўйди. Тиланчилар кўпчилигининг гапни келтиришига қарамай, ҳеч ким уларни фойдали машғулот билан банд



Н. УМАРОВА

этишни истамайди. Бу масаланинг бир томони. Бошқа томондан, ёлғиз ўзи рўзгор тебратётган аёл қандай бўлмасин даромад топишга ҳаракат қилади. Хуллас, ҳар кимнинг ақли ўзига. Хунар ўрганмайсизми, деганимда “Шу ёшимда-я? Қанча умрим қолди ўзи”, — деб пичинггамо қулган ўша тиланчи аёлга ачиндим.

Бир кун ишдан қайтаётсам, йўл бетида турган мактаб ёшидаги қизча салфетка харид қилишни тақлиф қилди. Нархи дўқондагидан анча қиммат. Раҳим келганидан сотиб

**OTANGGAMAS, SENGAM IMTIYOZ,  
SHUNGAM QARAB QADAMINGNI BOS!**



**MENING FIKRIM**

**FARZAND TARBIYASI —  
MUQADDAS**

Bahrom ASROROV,  
Oqdaryo maishiy xizmat kasb-hunar kolleji direktori

“Falonchining bolasi o'g'rilik qilibdi” yoki “birov bilan janjallashib, burnini qonatibdi”, “falonchining qizi maktabni tugatmay, turmushga chiqibdi”, qabilidagi noxush xabarlarini eshitganda bunda ko'proq biz, kattalar aybdor ekanimiz haqida o'ylanib qolaman.

Farzand noqobil bo'lib boryaptimi, demak, uning tarbiyasiga e'tiborni kuchaytirish, ko'proq mehr ko'rsatish, qalbiga quloq solish, qat'iy taqiq va cheklolar zarur emas, balki yotig'i bilan

tushuntirish asosida uni illatlardan asramoq zarur. Zotan, ertamiz egalaringning istiqboliga bafarq qarashga haqqimiz yo'q.

Yuzimizni yorug' qiladigan ham, shu-

vet etadigan ham mana shu yoshlardir. Buni unutgan jamiyat tubsiz muammolar girdobiga g'arq bo'lib boraveradi. Farzand tarbiyasi bilan vaqtda shug'ullanmagan ota-onaga mahalla-ko'ydagi ko'pni ko'rganlar tanbeh bersa, “ular aytaveradi”, deb emas, balki “to'g'ri aytibdi, xatolaringni tuzatishga harakat qil”, deya bolaning xulq-atvorini o'nglash ayni muddao. Shundagina farzand oila uchun ham, el-yurt uchun ham kerakli inson bo'lib kamolga yetadi.

Ota-onaning bergan tarbiyasini tarbiyachi, tarbiyachilikni o'qituvchi, o'qituvchilikni esa, jamiyat vakillari faqat ijobiy sifatlar bilan to'ldirib borishi lozim. Shundagina yoshlarimiz aql-zakovatli, yuksak ma'naviyatli, mustaqil fikrlay oladigan, dunyoqarashi keng va ichki olami go'zal bo'ladi. Va ulardan, shaksiz, Vatani ravnaqi, xalq farovonligi yo'lida sidiqildan mehnat qilishga tayyor, fidoyi insonlar yetishib chiqadi.

**BILASIZMI?**

Ta'lim muassasalari hududida ta'lim oluvchilarga quyidagilar qat'iy qat'lanadi:

- telefonni bo'yniga osib olish, ko'krak cho'ntaklarida, shim, yubkalari cho'ntaklarida va shu kabilarda saqlash;
- telefon akkumulyatorini zaryadlash uchun ta'lim muassasasi elektr tarmoqlariga ulash;
- telefoni yordamida: atrofidagilarga zo'ravonlik, shafqatsizlik, pornografiyani targ'ib qiluvchi video va suratlarini namoyish qilish;
- ta'lim muassasasining nufuziga, shu jumladan zo'ravonlik va vandalizm holatlarini suratga olish va keyinchalik ularni atrofidagilarga namoyish etish yo'li bilan zarar yetkazish;
- o'quv mashg'ulotlari vaqtida: telefon orqali so'zlashish hamda SMS (MMS) va boshqa turdagi xabarlarini jo'natish;
- telefoni stol ustiga qo'yish;
- musiqa, shu jumladan, naushniklar



orqali tinglash; surat va video tasvirlarni ko'rsatishda telefonidan foydalanish (o'yinlar bilan shug'ullanish), tasvir (matn, rasm, videoyozuv va fotosuratlar) ko'rish, diktofon, kalkulyator, kalendar, bloknot, yon daftarcha kabilarda foydalanish; suratga olish va video tasvirga tushirish; telefon (GPRS, Bluetooth, internet va shu kabilarda) orqali boshqa xizmatlardan foydalanish.

O'zbekiston temir yo'llarining ekspluatatsion uzunligi 6 ming 500 kilometrga teng. Tizimda jami 75 ming nafardan ortiq ishchi va xodim mehnat qiladi. 2017 yil mobaynida temir yo'l transporti orqali 68 million tonna yuk hamda 21,6 million nafar yo'lovchi tashilgan.



**AZIZ  
MUSHTARIY!**

Intellektual salohiyatingizni sinab ko'rish maqsadida gazetaning 114-soni (2018 yil 29 sentabr) da “Aziz ustozlar” bilimdonlik mashqlarini o'lon qilgan edik. Quyida ularning javoblari bilan tanishishingiz mumkin.

“AZIZ USTOZLAR” bilimdonlik mashqlarining javoblari:

**KROSSVORD. “Zanjir holda”:**  
1. Munavvarqori. 2. Ibrat. 3. Odobnoma. 4. Algebra. 5. Abdullayev. 9. Arifmetika. 10. Adabiyot. 11. Tajriba. **Eniga:** 6. Koshiy. 12. Fitrat. 14. Abak. 18. Arab. 24. Davr. 26. Tarix. **Bo'yiga:** 7. Shogird. 8. Dars. 15. Lotin. 16. Notiq. 25. Internet. **Diagonal bo'yicha chappa:** 13. Talaba. 17. Forobiy. 19. Avloniy. 21. Beruniy. 23. Rashidov. **Diagonal bo'yicha o'ngga:** 17. Falsaifa. 20. Notiliy. 21. Qodiriy. 23. Referat. **MUAMMONOMA.** Kalit so'zlar: 1. Magistratura. 2. Gerodot. 3. Zokirov. 4. Aql. 5. Ayirish. 6. Baho. 7. Xattot. 8. Bonu. 9. A'lo.

**Hikmat:**  
Nega she'r yozmayin yurakdan yonib, Nega ta'zim etmay sizga bu mahal. Nega xizmatimiz qilmay quvonib, Ey, aziz muallim, ustozni avval.

**YOSHLIK ILHOMI**

Nursaidbek ERGASHEV,  
Respublika yoshlar markazi  
Qoraqalpog'iston bo'linmasining  
“Yosh jurnalistlar” to'garagi a'zosi

**KECH O'QILGAN MAKTUB**

Ilgari hech qachon bunday holga tushmagan Nodir hovliqib qoldi. Yuragi tez-tez urar, qulog'iga har turli gaplar eshitilsa-da, ongi qabul qilmadi. Poyezd to'xtadi. Nodir darhol vagonidan tushib, suv sotib oldi. Ancha paytgacha o'ziga kelolmay turdi. “Nahot kechikdim?!”. Shunday deya o'zini-o'zi koyirdi. “Nega e'tibor bermadim-a?! Attang! Axir, aytgandilar-ku,

yuragim sal bezovta qilyapti, deb...”. Erkakning ko'zlarini namlandi. Kitob hali ham qo'lida edi, ichida esa, o'sha: “Bolam, mendan rozi bo'l”, — deb yozilgan maktub. Ona professor o'g'lini oq fотиha bilan yo'lga kuzatgandi. Sho'rlik, bolasi yetib kelguncha bu yurag' dunyoni tark etolmayotgan ekan. O'g'li yo'lga chiqdi. Poyezd jo'nab ketdi. Onaning joni uzildi...

**HAQIQAT**

Ilhom akani ko'rmaganimga ko'p yillar bo'lgan. Ilgari mahallamizning obro'li kishisi edi. Juda ishbilarmonligi, qo'sha-qo'sha mashinayu hashamatli uylarga egaligi hammaning havasini keltirardi. Shaxsan o'zim ham shu odamga o'xshashni xohlardim.

Har safar uyining oldidan o'tar ekanman, ichkaridan sho'x-shodon ovozlari eshitilib turardi. Do'stlari ham mansabdor, obro'li odamlar bo'lsa kerak, deb o'ylardim.

Kunlarning birida notanish odamlar ilhom akaning qo'lga kishan solib, mashinaga o'tqazib ketganini ko'rdim. Qo'shnilarning aytishicha, topgan-tutganlari musodara qilinib, o'zi qamaliydi. Og'ufurush ekan. O'shanda insonning tashqi qiyofasi hech narsani belgilamasligiga amin bo'lgandim.

**YARALAR BITADI**

Deraza ochiq. Xonaga toza havo kirdi. U ko'zlarini asta ochdi. Mayin shabada vujudiga xush yoqayotgandi. Ichida xo'rsinish hissi paydo bo'ldi. Ko'zi yoshlandi. Yuragining tub-tubida shijoat uyg'ondi. Qani endi imkon berilsa-yu, atigi bir kungina o'sha baxtni tuya olsa. Bir kungina...

U ich-ichidan ezilar, umri davomida mo'jiza kutib yashagan onlarini eslab, shu kungacha yetib kelganiga, hali ham tirik ekaniga Yaratganga shukrona aytib, quvondi. Qo'l-oyoqlari falaj bo'lib qolgan xasta tushudini: xotini saharlikka uyg'onganida shamollatish uchun oynani ochgan ekan...

**TOSHOYNA**

**SHOIRLIK DAN BEXABAR  
“SHOIR”**

Dilnoza  
ABDIHOMIDOVA

Telefonim jiringlab, go'shakni ko'tarishim bilanoq:

— Kechirasiz, bu Yoshlar ittifoqi qimi? Menga “Yoshlar ovozi” gazetasi muxbiri kerak edi, — degan savoldan hushyor tordim. (Odatda kamdan-kam odam viloyat muxbirlarini so'rab, qo'ng'iroq qiladi).

— Assalomu alaykum, eshitaman.

— Opa, men institut yetakchisiman. Bir ijodkor talaba bor edi. Uni yoningizga jo'natsam, ijod namunalari gazetada chiqarishda yordam berasizmi?

Bir-ikki soat o'tib kutilgan mehmonlar tashrif buyurdi. O'zini Feruz, deb tanishtirgan bu yigit institutning ikkinchi bosqichida o'qir ekan.

— Shu paytgacha uchta kitobim chop etilgan. Hozir she'r olib kelgandim. Bayram soniga chiqishi shart. Mana flesha.

— Ukajon, ijodkor ekaningizdan juda mamnunman, — deya uning “she'r”ini ko'zdan kechira boshladim. Ta'bim xira tordim. Takrorliklar, siyqasi chiqib ketgan jumlar ensamni qotirdi. Talabaning ko'nglini og'ritmaslik uchun: “Ba'zi bir joylari-



ga tuzatish kiritish kerak, menimcha. Imkoni bo'lsa, qayta ishlagan ma'kul. Chunki pishiq-puxta yozilgan ijod namunasigina o'z muxlisini topa oladi”, — dedim.

— Tushunmadim, siz mening she'rini tahlil qilmoqchisiz? Bilasizmi, men kimning shogirdiman... Ustozim, Falonchiye Falonchini tanisizmi? Qanchadan-qancha qo'shiqchilar uning ortidan yuradi. U “zo'r chiqibdi”, — degan narsani tanqid qilyapsizmi? Shuncha

ESPERANTO — eng mashhur xalqaro sun'iy tillardan biri. 1887 yilda varshavali vrach L.L.Zamogof tomonidan yaratilgan. Uning laqabi “Esperanto” (ishonuvchan demakdir) tilning nomiga aylangan.

Esperanto dastlab Rossiya va Polshada tarqalgan, lekin XX asr boshlariga kelib Fransiya, Angliya va boshqa mamlakatlarda ko'plab muxlislar ortirishi oqibatida esperantochilar harakati xalqaro darajaga ko'tarildi. Esperanto baynalmilal leksika (asosan, roman tillari, qisman german va slavyan tillari materiallari) asosida tuziladi. Cheklangan miqdordagi o'zaklardan tilning butun lug'at tarkibini ishlab chiqish imkonini beradigan so'z yasovchi affikslar muhim ahamiyatga ega.

Esperanto grammatikasi tabiiy tillar grammatikasiga qaraganda soddaroq va qat'iy me'yorlashgan: unda so'z turkumlarini ifodalovchi 11 tagina variantlashmagan qo'shimcha mavjud. Boshqa ko'plab affikslar ham muayyan shakllarni ifodalash uchun “ixtisoslashgan”. Esperantoda urg'u, asosan, so'z oxiridan ikkinchi bo'g'inga tushadi.

kitobimni chiqargan nashriyotlar: “Yana she'rларingni yig'ib, olib kel. Kitob qilib chiqaramiz”, — deb turgan bir paytda, siz “Bizning gazeta she'r chiqarmaydi”, — deysizmi?! Nima uchun bizdek iste'dodlarni qo'llab-quvvatlamaysizlar? Yoshlar ittifoqining gazetasi emish, tag'in. Bo'ldi. She'rinni qaytarib bering.

Taajjub. Biron so'z deyishga ojiz qoldim. Nahotki, ijod nimaligini hali anglab yetmay, to'rt qator qoralamasi bilan qaysidir bir xonandaning “maxsus shoiri”ga aylanganlar, o'zlarini qolib, endi o'sib kelayotgan yoshlarni ham “yulduz” qilib qo'yayotgan bo'lsa.

Masalanning ikkinchi tomoni ham bor. To'g'ri, “Yoshlar ovozi” gazetasi yoshlarning nashri. Biroq, har bir gazetaning o'z yo'nalishi, talabi bo'ladi. Shunday ekan, avval gazeta bilan oshnashib olish kerak emasmi?

O'zini “shoir” deb bilguvchilarning burni bunchalik ko'tarilib ketishiga qaysidir ma'noda “faol” nashrlarimiz ham sababchi bo'layotgandir. Nima bo'lganda ham kamchiligini yuziga aytishim bilan oyog'i kuygan tovuqdek tipirchilab qolgan “ijodkor” do'stimizga achindim. Ketar chog'ida u qovog'idan qor yog'ib: “Navbatdagi kitobimning taqdimotiga sizni chaqiram. Oz qoldi. Ko'ramiz o'shanda gazetachilarning ahvolini”, — dediyu zarb bilan eshikni yopib ketdi. Ana xolos...

**O'QING, BU QIZIQ!**

Rim yaqinida istiqomat qiluvchi 70 yoshli Lusiano Baetti turli universitetlarning bakalavriat va magistratura bosqichlarini bitirgani haqida o'n besh ta diploma ega. Shu tufayli u “Ginnes rekordlari kitobi”ga kiritildi. Endilikda qariya oziq-ovqat texnologiyasi yo'nalishi bo'yicha ta'lim olib, o'zining 16-diplomini olishni rejalashtirgan.

**HIKMAT**

Dunyo mening mulkim degan sultonlarga, Olam molin sonsiz yig'ib olg'onlarga, Aysu ishrat birla mashg'ul bo'lg'onlarga, O'lim kelsa biri vafo qilmas emish.

Ahmad YASSAVIY

**MUASSIS**  
O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI  
MARKAZIY KENGASHI  
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.  
Bosh muharrir  
Karimov Faxriddin Turdaliyevich

**TAHRIR HAY'ATI**  
Mansur Bekmurodov, Laziz Tangriyev, Madamin Safarov, Alisher Sa'dullayev, Dilmurod Nabiyev, Azim Mirzajonov, Nodir Abduqodirov, Nargiza Umarova – bosh muharrir o'rinbosari (“Yoshlar ovozi”), Irina Kochergina – bosh muharrir o'rinbosari (“Молодежь Узбекистана”), Yelena Kalinina – mas'ul kotib (“Молодежь Узбекистана”)

Dizayner  
Abdullayev Xurshid O'ktamjonovich

Navbatchi  
Akbarjon Abduraimov

“YOSHLAR OVOZI” dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.  
belgisi bilan tijoriy materiallar chop etiladi.

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.  
Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97, (371) 233-79-69 (faks)  
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

“Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida, A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma taboq.  
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Indeksler: 203, 3203  
Bahosi kelishilgan narxda.

Buyurtma G-1036  
Adadi — 11583

Boshlang'ich topshirish vaqti — 21.00  
Toshirildi — 03.20  
O'zA yakuni — 03.20

Gazeta materiallari tahririyat kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Ohet usulida bosilgan.